

Куч-адолатда

Ал ила олам юзин обод қил

2020 йил
14 февраль,
жума
№ 7 (780)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ ҚЎРИҚЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 13 февраль кuni Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган ишчи йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Президент ҳузуридagi Хавфсизлик кенгаши аппарати ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлари иштирок этди.

Чегара кўшинлари фаолиятининг амалий натижалари ҳамда мамлакатимиз Куролли

Кучлари Олий Бош Қўмондонини томонидан 2019 йил 27 август кuni ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалар ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Бугунги кунда халқаро ва минтақавий хавфсизлик таҳдиди солаётган хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини янада оширишнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Замонавий автоматлаштирилган чегара назорати тизим-

лари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек, Чегара кўшинлари бўлиналари куч ишлатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро уйғун ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Чегара кўшинлари ҳарбий хизматчиларини профессионал тайёрлаш сифатини ошириш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳар томонлама

қўриб чиқилди.

Марказий Осиё давлатларининг чегара идоралари билан алоқаларни изчил ривожлантириш, турли халқаро ташкилотлар билан қўшма тадбирларни кўпайтириш ҳамда хорижий шериклар билан чегараолди ҳамкорлиқни фаоллаштириш юзасидан эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев минтақада савдо, туризм алоқалари ва маданий алмашувларни мустақкамлаш,

одамларнинг борди-келдисини кўпайтириш мақсадида фуқаролар ва хорижлик меҳмонлар учун Давлат чегарасини кесиб ўтишда қўлай шароитлар яратиш муҳимлигига эътибор қаратди.

Амалга оширилаётган ишлар танқидий таҳлил қилиниб, мутасадди тузилмалар раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

2019 йил 24 декабрь № 27 Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида уларни қўллашда баъзи муаммоли масалалар келиб чиқаётгани муносабати билан, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бир хилда қўллаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори:

15-банди қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"Судлар шуни инobatга олиши керакки, ФҚда белгиланган қўйилган асослар бўйича ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган гаров шартномаси бўйича ҳам манфаатдор тарафининг уни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақи-

да талаб билдирган ёки билдирмагандан қатъи назар кредит шартномасидаги мажбуриятлар бўйича ундирувни гаров нарсасига қаратишга йўл қўйилмайди";

20-банди қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"Шунингдек, агар гаров мажбурияти билан боғлиқ низони қўришда гаровга қўювчи гаровда бўлган мол-мулкни бошқа шахсга (гаровга олувчига) бошқа мажбуриятларни таъминлаш учун берганлиги аниқланса (навбатдаги гаров), судлар ушбу шахсни ишни юритиш ва низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга кириш ҳуқуқи тўғрисида хабардор қилиши лозим";

23-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин. (Давоми 2-бетда) ▶

2020 йил — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

То ҳирсу ҳавас хирман
барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри
барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига
бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат
обод ўлмас.

Тараққиётимиз қўлланмаси

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу рубойиси мазмун-моҳиятини шарҳламоқ учун бир неча қоғозни қораламоқ жоиз. Навоийшунос олимларимиз бу ҳақда кўп ёзишган. Навоийнинг букюклиги, ҳамма замон, барча тузум учун керакли эканлиги ҳам унинг асарлари ҳеч қандай аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаслигидадир. Ҳазрат асарларини ихлос ва эътиқод билан муталаа қилган киши бу фойи дунёнинг барча масала ва муаммоларига жавоб топа олади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасини телевидение орқали эшитиш, газетда қайта-қайта ўқиш жараёнида Алишер Навоийнинг мазкур рубойиси ва унда ифодаланган гоят теран фикр-

лар ёдга келаверади. Зеро, давлатимиз раҳбари ушбу олий лавозимда иш бошлаган кунидан эътиборан жамият тараққиётининг энг катта, энг хавфли, жуда чуқур илдиэ отган душмани — коррупцияга қарши кураш бошлады. Бинобарин, коррупциянинг тури ва шакли кўп, аммо катта-кичиги йўқ, чунки барча йирик муаммолар аслида дарҳол кўзга ташланмайдиган, одамлар унча назарга илмайдиган майда нарсалардан бошланади. Оқибатда чирмовуқдай ҳамма соҳа ва тармоқни қамраб олади. Шу боис, жамиятдаги жамики иллатларнинг асоси ҳам, сабабчиси ҳам ана шу — коррупция. Шу маънода, Шавкат Мирзиёев жамиятни тозалаш, тараққиёт йўлидаги барча тўсиқ ва говларни олиб ташлаш ишларини айнан коррупцияни бартараф этишдан бошлагани бежиз эмас. Буни халқимиз ҳам, халқаро экспертлар ҳам, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар мутахассисларидан тортиб, раҳ-

барларигача эътироф этмоқда. Бунга биргина мисол: дунёдаги нуфузли нашрлардан бўлган "Экономист" журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат — "Йил мамлақати" сифатида эътироф этди.

Коррупциянинг энг оммалашган турларидан бири — порахўрлик, Навоий ибораси билан айтганда, "ҳирсу ҳавас", "нафсу ҳаво". Бу балога ружу қўйган одам халқ дардига қулоқ солиши, унинг мушқулини ечишга ҳаракат қилиши қийин. Бундайларнинг фикр-зикри фақат ўз манфаатини ўйлаш, кимларнидир зор қақшатиб бўлса-да, ўз чўнтагини қаппайтиришда бўлады. Одатда, бундай одамлар катта-кичими лавозимда ўтиради, ҳар қандай мансаб имтиёз эмас, балки катта масъулият эканини улар гўё "унутиб қўяди". Шунинг учун давлатимиз раҳбари "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши

керак" деган тамойилни ўртага ташлади ва уни амалда исботлаш, ҳаётга жорий этишнинг турли восита ва усуллари йўлга қўйди. Энг муҳими, бу талаб бир кун бўлса-да, сусайгани йўқ, аксинча, тобора кучайиб, талабчанлик ошиб бораётди. Натижада турли даражадаги раҳбарлар ўз фаолияти ҳақида халққа ҳисоб бериш тартиби йўлга қўйилди, мансабдорлар одамлар мурожаатини, дарди ва илтимосини эшитадиган бўлди. Бошқача айтганда, халқ билан раҳбарлар ўртасидаги кўзга кўринмас, аммо банданд ва мустақкам тўсиқ олиб ташланди. Тўғри, баъзи жойларда бу иллат ҳамон қайсидир даражада сақланиб қолган, лекин уларнинг умри узоқ эмас, улар ҳам албатта, бартараф этилади. Чунки бу тўлқин ҳеч кимни — у ким, қайси лавозимда бўлмасин — аямайди ёхуд ҳеч ким ҳеч қандай имтиёзга эга эмас. Мана шу халқимизни хушнуд этмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига тақдим этган Мурожаатномаси менда ҳам катта қизиқиш ва чуқур ҳаяжон уйғотди. Зеро, унда давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳалари батафсил таҳлиа этилиб, нафақат жорий, балки келгуси 5 йилга мўлжалланган истиқболли режалар белгиланган муҳим аҳамиятга эгадир.

Муносабат

Қонунларнинг толмас ҳимоячилари бўлайлик!



Исматулла МАМАНТОВ,
Тошкент вилояти
маъмурий судининг судьяси

Айниқса, судья сифатида алоҳида эътиборини торган жиҳати шу бўлдики, мамлакатимиз сиёсий ҳаётдаги ўзига хос янгилик сифатида дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган мазкур дастуриламал ҳужжатда суд мустақиллигини таъминлаш — энг муҳим вазифалардан бири эканлиги яна бир марта таъ-

кидланди. Президентимиз уч йилдан буён барча даражадаги олий давлат идоралари мансабдор шахслари ва кенг жамоатчилик олдида бундай долзарб ва ўта муҳим вазифаларни қатъий қўяётгани бежиз эмас. Чунки Конституция билан мустақкамлаб қўйилган суднинг мустақиллиги ўтган 25 йил давомида амалда таъминланмади. Мурожаатномадан иқтисоб: **"Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсинлар: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади.**

Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак". (Давоми 3-бетда) ▶

"Суд бирон-бир мансабдор шахсининг қўли етадиган игорага айланиб қолишига мушлақо йўл қўймаслик шарт. Шу сабабли уларнинг суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарлиқни кучайтириш лозим".

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституция

кунда айтган бу фикрлари бежиз эмас, албатта. Зеро, судья фақат қонунга асосланиб қарорлар чиқарсагина адолат таъминланади.

Бош қомусимизнинг 112-моддасида ҳам "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига

Бугун Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

«Сен ҳам соғинғасен меҳру вафо била...»

Буюк шоир Захириддин Муҳаммад Бобур талқинида "Ватан" тушунчаси инсон туғилган гўша, камол топган замин, ота-она, яқин қариндош-лар меҳри тафтига бурканган мўъжизакор олам. "Ватан соғинчи" эса, азим тупроқ, қир-адирлар, табиат, иқлим, тоғу тошга йўғрилган кенгликлар, яқинлар дийдорини қўмсадир.

Бобур ижодининг машҳур бўлишига, "Бобурнома"нинг шох асар сифатида дунё бўйлаб шухрат қозонишига беназир шох ва шоирнинг Ватанга чекисиз мухаббати, ижодида юрт соғинчига оид дилбар ва таъсирчан тасвирлари ҳам муҳим мезон саналади. Хусусан, шоир шеъриятининг ҳасби ҳол хусусиятга эгаллиги Ватан, она



юрт соғинчи асосидаги таъсирчан чизгиларга замин яратган. Бу ҳол, айниқса, она юртининг тўғридан-тўғри соғинчи тасвири ҳамда рамзий тимсол асосида, "ё" образи орқали намоён бўлади.

Бобур ўзи туғилиб ўсган юртининг ҳар қарич ерини яхши билган. Шунинг учун ҳам уни меҳр билан тасвирлайди.

Фарғона водийси, айниқса, Андижон тасвирларида унинг шу заминга меҳр-мухаббати, бекиёс соғинчи уфуриб туради. Масалан, Ахсидан чиқишдаги Банди Солор йўлининг узунлиги ҳақида ёзади: **"Бу йўлким, Банди Солор йўли бўлмай, тўққуз йиғоч йўлдур"**.

(Давоми 4-бетда) ▶

Мезон

Алимент қарз эмас, балки фарзанд таъминоти учун тўловдир

Маълулки, юртимизда болаларнинг барча ҳуқуқлари қатори моддий таъминот олиш ҳуқуқи ҳам қонун билан кафолатланган. Хусусан, Конституцияимизнинг 64-моддасига

кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттувларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

(Давоми 2-бетда) ▶

Судга босим ўтказишга ҳеч ким ҳақли эмас

бирон-бир тарзда аралашиб-га йўл қўйилмайди ва бундай аралашиб қонунга мувофиқ қарорлар чиқарилмака сабаб бўлади", деб қайд этилган.

Шуни ёдда тутиш керакки, суд — мустақил ҳокимият. У кимнингдир фикри ва талаби билан иш тутмайди. Суд фақат қонунга таянади, далилларга асосланади.

Албатта, демократик ҳуқуқий давлатни сўз эркинлиги, яъни фикрлар хилма-хиллиги тамойилисиз тасаввур этиб бўлмайди. Тараққий этган давлатларда сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллиги тараққиётни ҳаракатга келтирувчи муҳим куч сифатида юксак қадрланиши ҳам шундан. Бу муҳим омиллар эса, ўз навба-

тида, қонун устуворлиги тамойилига бўйсунди.

Бироқ сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллигини хаёлга келган гапни айтиш, бировни ҳақорат қилиш, шахс кадр-қиммати ва шаънини ерга уриш қабилда тушуниш калтабинликдан бошқа нарса эмас.

(Давоми 2-бетда) ▶

Жамиятимиз мақсади

Рақамли иқтисодиёт: тажриба ва муаммолар

Бугунги кунда ислохотларнинг изчиллиги ва давомийлигини таъминлаш, аҳолининг реал даромадини ошириш барча давлатлар учун энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш гоёси ҳам юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар янгича услубда давом эттирилишидан далолат эканини таъкидлаш лозим.

Айтиш керакки, рақамли иқтисодиётдан кенг фойдаланган ҳолда давлат бошқарувини амалга ошириш нафақат Ўзбекистон, балки барча давлатлар учун кенг қулай-



лик яратиш билан бирга иқтисодий алоқаларни жадал ривожлантиришга ҳам ўзининг ибобий таъсирини кўрсатади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ҳисобот

Элга айтар сўзимиз бор

Хоразм вилояти суд тизими раҳбарлари билан учрашувга тақлиф қилинган кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ушбу тизим ходимлари дилидаги бу туйғуни осонгина илаб олншиди. Ўзаро ҳамжихатликда ўтган учрашувда вилоятда фаолият кўрсатаётган суд тизими раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди. Унда мавжуд тўрт йўналишдаги суд тизими ходимларининг 2019 йилдаги фаолияти ва суд демократиясини янада чуқурлаштиришнинг долзарб вазифалари атрофида таҳлил қилинди.

Президентимизнинг шу йил 24 январда Олий Мажлисига тақдим этган Мурожаатномасида судлар мустақиллигини тўлиқ таъминлаш, бу соҳани чинакам адолат кўрғонига айлантиришга қарата илгари сурилган тақлиф ва тамойиллар ҳамда уни амалиётда қўллашнинг устувор жиҳатлари баён этилди. Мурожаатномада қайд этилганидек, суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак.

Ўтган йили судлар фаолиятини ана шундай оқилона йўл-йўриқлар, янгиланган қонун ҳужжатлари талаблари асосида адолат ўзанлари томон бу-

(Давоми 3-бетда) ▶

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бугунги кунда "Электрон ҳуқумат", "Электрон бошқарув", "телекоммуникация", "Интернет", "Веб-сайт" каби юзлаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб бормоқда. Ахборот технологиялари эса, барча соҳаларни қамраб олмақда.

Албатта, рақамлаштириш жараёни бир қатор муҳим ташкилий ишларни амалга оширишни талаб қилади ва бунда давлат секторининг фаолият самарадорлиги ортиб, давлат бошқаруви органлари ишлаш тартиби ўзгаради ҳамда вазифаларига янгича ёндашувлар жорий қилинади.

Президентимиз Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида "Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан муҳтож йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат" дея таъкидлади.

Бу асосли фикрлар замирида катта ҳаётий ҳақиқат бор. Чунки рақамли иқтисодиёт ривожланган давлатларда ялли ички маҳсулот ҳажми ҳам, унинг аҳоли сон бошига улуши ҳам жуда юқоридир. Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбарининг бу масалага алоҳида эътибор қаратаётгани замирида, биринчидан, аҳолининг яшаш даражасини янада юксалтириш, иккинчидан, реал даромадларини ошириш мақсади мужассам.

Экспертларнинг фикрича, 2020 йилдан дунёнинг йирик банклари қарийб 30 фоиздан ортиғи ўз фаолиятида "Blockchain" технологияси жорий этишни бошлаб юборди.

Айни дамда аксарият фуқаролар ҳали-ҳануз ўз муаммоларини ҳал этиш учун бир қанча ҳужжатларни расмийлаштириш ва идорама-идора юриб, овера бўлишга мажбур бўлмоқда.

Шу маънода давлат бошқарувида АКТ жорий этилиши муносабати билан сарфланадиган капитал харажатлар, вақт ва давлат аппаратининг ҳар хил тузилмалари билан бевосита муомала қилиш муносабати билан сарфланадиган бошқа чиқимлар тежаб қилиниши эвазига бу янгилик тез орада ўзини оқлайди.

Давлатимиз раҳбари таъ-

ниш имконини бериш ва онлайн электрон хизматлар кўрсатишга доир ишларни ташкил этиш йўли билан ушбу муаммоларнинг самарали ҳал этилишига эриштириш халқаро тажрибада ҳам ўз ибтидини топган.

Демак, рақамли иқтисодиётга ўтиш билан даромадлар, дивидендлар тўғрисида ахборот ва маслаҳатлар олиш; кре-

лигини оширадиган асосий ҳаракатлантурувчи куч сифатида майдонга чиқмоқда.

Иккинчи тарафдан, рақамли иқтисодиётнинг давлат бошқарувида жорий этилиши соғлом тадбиркорликни ва хусусий ташаббусни ривожлантириш ҳамда бизнес тузилмаларининг самарали давлат ва бизнес сектори ўртасидаги муносабатлари-

бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади. Хусусан, юридик маслаҳатлар, қонун ҳужжатларига кириштирилган қўшимча ва ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ ахборот олиш; бюджетга (даромад, фойда, қўшилган қиймат, мулк, ер солиқлари ва бошқалар) ҳамда мақсадли давлат жамғармаларига тўловларни амалга ошириш; импорт-экспорт операциялари бўйича ҳужжатлар ва боғжона декларацияларини расмийлаштириш; бухгалтерия, солиқ ва статистика хизматларини юритиш ва бошқа бир қатор фаолиятларни амалга оширишда электрон тизимга тўлиқ ўтиш қабили шулар жумласидан.

Юқорида қайд этиб ўтилган вазифалар давлат бошқаруви органлари, тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Шу ўринда, бизнинг назаримизда, бу борадаги ислохотларни тезлаштириш ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида, раҳбар кадрларда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана олиш, хорижий тилларда иш олиб бориши кўникмаларини янада ошириш лозим.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифаси — Ўзбекистон иқтисодиётини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан бирга, энг аввало, аҳоли дунёқарашини давр билан ҳамнафас шакллантириш, қолаверса, мамлакатимизни халқаро майдонда интеграциялашувини тезлаштириш ва натижада Ўзбекистонни демократик, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига қўшишдан иборатдир.

Улугбек ФАЙЗИЕВ,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси

Ҳаётимиз мақсади

**Рақамли иқтисодиёт:
тажриба ва муаммолар**



бири билан айтганда, рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради, балки энг оғир иллат — коррупция балосини йўқотишда ҳам самарали воситадир.

Ҳаётда ҳар биримиз коммунал хизматларга тўловларни тўлаш, миграция ҳамда фуқароликни расмийлаштириш бўлимига маълумотнома олиш учун толиқтирадиган навбатда туришлар, пенсия ишларини расмийлаштириш билан боғлиқ тартиб-қоидалар, солиқ декларациясини тўлдирдиш учун туман марказига мунтазам равишда қатнаш (бу анчагина транспорт харажатларига ҳам олиб келади) каби ҳолатларга тўқнаш келганми.

Шу маънода давлат бошқарувида, айниқса, фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда АКТ тизимининг жорий этилишининг биринчи ва асосий ютуғи шундаки, юқорида қайд этилган ҳолатларга бутунлай барҳам берилди.

Фуқароларга давлат ахборотидан электрон фойдала-

дитлар, имтиёзлар ва лицензияларни онлайн расмийлаштириш; ҳар хил бадалларни, коммунал хизматлар учун тўловларни тўлаш ва кўплаб бошқа ишларни амалга оширишда қулайликлар яратилади.

Шу ўринда бу янгиликнинг жорий этилиши хусусий бизнесга қандай фойда беради, деган савол ҳам туғилиши табиий.

Бу саволга жавобан шунини айтиш керакки, бизнесда рақобат шароитида яшаб қолиш учун тадбиркорлик субъекти ўзининг доимий равишда тақомиллашувига интилиши ҳеч кимга сир эмас. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва фаол жорий этилиши эса, бизнеснинг яшовчан-

ли тизимли тартибга солишга хизмат қилади.

Бундан ташқари бюджет ва солиқ муносабатларини тартибга солиш, давлат органлари ва тижорат тузилмаларининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлигини яхшилаш, кредит, инвестиция ва бошқа молиявий ресурсларни бошқариш, фаолият турларини лицензиялаш каби ишларда ҳам қўл келади.

Бунда ушбу ва бошқа масалалар бўйича давлатнинг бизнес сектор билан мавжуд директив ва назорат қилувчи муносабатларини янгича усулда, тенг шериклик муносабатлари асосида ташкиллаштиришга хизмат қилади.

Албатта, рақамли иқтисодиётга ўтиш учун, энг аввало,

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида биргина 2019 йилда 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганининг эътирофи этилиши барча судьялар каби менинг ҳам кўнглимни фахру ифтихорга тўлдирди. Чунки 2019 йилда жиноят ишлари бўйича Фаргона вилоят суди томонидан оқланган 27 нафар шахснинг 12 нафарига дахлдор жиноят ишларини қўриб чиқишда бевосита иштирок этганидан мамнун бўлдим.

Фикрларимнинг исботи тариқасида ана шу жиноят ишларидан бирига эътиборингизни қаратмоқчиман. Фаргона шаҳрида яшовчи Умида Абдуллаева бундан 4 йил муқаддам Комил Абдуллаева турмушга чиққан

Оқлов

Ўғирликда айбланган келин

кассация суди мажлисида оқанди

да кунлардан бир кун қайнониси ва эрининг қариндошлари томонидан ўғирликда гумонланиши ва айбланишини қайқдан билибди, дейсиз?

Аммо бахтсизликни қарангки, охир-оқибат шундай бўлди. Яъни аввалига овсини, сўнг қайнониси, кейинчалик эса, бошқа қариндошларининг тилла тақинчоқлари йўқолган, Умидадан гумонсирашди. Натижада Фаргона шаҳар ички ишлар бўлими томонидан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Бироқ тергов фақат бир мақсадга — У.Абдуллаевани айбла-

га қаратилган. Охир-оқибат жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар судининг 2019 йил 10 июндаги ҳукмига биноан, Умида Абдуллаева Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а"-банди билан айбдор деб топилган. Суд ҳукмида қайд этилишича, 2016 йил октябрь ойида овсини Гўзал Каримованинг ётоқхонасидан бир дона 560.000 сўмлик аёллар тилла узуги, 2016 йил 23 декабрь кунини қайнонаси Жамила Тўшпўлатованинг ётоқхонасидан бир дона 1.200.000 сўмлик тилла узук ва 100.000 сўмлик эркалар кумуш узуги, 2016 йил 28 декабрь кунини

эса, тикувчи Мадина Бобоеванинг уйдан 1.800.000 сўмлик тилла узук, 2017 йил 1 март кунини қариндоши Дилноза Тошматованинг ётоқхонасидан сирга, турли узуклар, балдоқ, биллакузук сингари 12.140.000 сўмлик тилла тақинчоқлар, 2017 йил май ойида яна 2 нафар қариндоши — Муқаддас Мирзаалимованинг уйдан 12.280.000 сўмлик тилла тақинчоқлар ҳамда Назира Абдуллаеванинг ётоғидан 5.240.000 сўмлик узук, балдоқ, тилла занжир каби қимматбаҳо буюмлар йўқолади.

(Давоми 4-бетда) ▶

узоққа бормайди



Буни қарангки, йўлда тўсатдан Садоқатнинг соғлиги "ёмонлашиб" қолди. У зудлик билан касалхонага бориши зарурлигини айтиб, йўлини ўзгартирди. Начора, нотариус ҳузурда бўладиган олдисотди расмиятичилигини Садоқатсиз ҳам бемалол амалга оширса бўлади. Садоқатнинг бехосдан "касали" бўлиб қолиши харидор ва сотувчинини шаштидан қайтара олмади. Улар ҳаялламай нотариус ҳузурига етиб боришди. Уй савдоси бобидаги ҳақиқий манзара шу ерда намойён бўлди. Давлат нотариуси уй алақачон сотилгани ва унинг

янги эгаси номига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилганини ётиғи билан тушунтирди. Г.Авазовнинг қўлидаги уй ҳужжатлари эса, алақачон эскириб, расмий ҳужжат мақомини йўқотгани, бинобарин, бир неча ойлар муқаддам сотилган уйни М.Искандарованинг номига ўтказиш қонунни қўпол тарзда бузиш билан баробар эканлигини айтди.

Афсуски, улар изига қайтиб, сотилган уйнинг янги эгаси А.Хўжаевга рўпарў бўлиши манзара шу ерда намойён бўлди. Давлат нотариуси уй алақачон сотилгани ва унинг

қилмишини Жиноят кодексининг фирибгарликка оид 168-моддаси 3-қисми бўйича малакалади. Аммо қилмишини тавсифлаш борасида айрим хатоларга йўл қўйилган. Хусусан, амалдаги тартиб-таомиллар қонубузарлик ҳолатлари икки тоифа: тугалланган ва тугалланмаган қилмишлардан иборат эканлигини кўрсатади. Суд масаланинг бу жиҳати га синчиклаб разм солди. С.Авазованинг Ж.Меҳмоновга нисбатан содир этган қилмиши тугалланган фириб аломати сифатида тавсифланди. Қолган иккита ҳолат бўйича амалга оширган ноқонуний ҳаракати эса, тугалланмаган ёхуд суиқасд қилинган жиноятлар тоифасидан жой олди. Шу муносабат билан суд унинг ўзга шахсга тегишли 825 минг сўм миқоридида пулини ўзлаштиришга қаратилган ҳаракатини Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисмига қайта малакалади. Уй олди-сотиси билан боғлиқ воқеалар эса, тугалланмаган жиноят сифатида эътироф этилди ва кодекснинг қилмишга суиқасд тарзидаги 25-168-моддаси 3-қисми асосида талқин қилинди. Айни пайтда ушбу моддалар бўйича тайинланиши зарур бўлган жазо чоралари ҳам эътибор марказидан жой олди. Судланувчи шахснинг аёллиги, оиласи ва икки на-

фар фарзанди борлиги, муқаддам судланмагани, яшаш жойидан ижобий тавсифлангани назарда тутилди. Тайинланиши зарур бўлган жазо чорасини енгиллаштириш учун шунинг ўзи кифоя ва суд ҳам шу йўлни танлади. С.Авазовга нисбатан Жиноят кодексининг енгилроқ жазо тайинлашни кўзда тутувчи 57-моддасини қўлаб, уни нисбатан оз муддатга озодликдан маҳрум этиш бўйича ўз ҳукминини эълон қилди.

Юқорида зикр этилган қўша жиноий ҳолат юзасидан айбдор саналган шахсга келсак, у нанки жазо, балки ўз қилмишидан унут бўлмас ҳаётини сабоқ ҳам олди. Бироқ унга ва у сингари фириб устларига чув тушган шахсларчи? Бу каби ҳолатлар анқовлик, бой берилган ҳушёрлик ёки гафлатда қолган оғоҳликнинг аччиқ "меваси" эмасми? Фириб амалларига муккасида кетганларнинг қилмишини ҳадеб ва зўр бериб қоралайвергандан кўра, ўзимиз ва хатти-ҳаракатимизга ҳам синчковлик билан разм солмоқ ва қарши қураш чораларини қўлламоқнинг самарасини каттароқ бўлмасмикан?

Сардорбек ТОҒОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Хоразм вилояти
судининг судьяси

Муносабат

Қонунларнинг толмас ҳимоячилари бўлайлик!

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Президентимизнинг бундай ғамхўрлиги-ю қўллаб-қувватлашларига жавобан ҳар бир судья соҳанинг нуфузи ва обрўйини оширишга фидойилик билан хизмат қилиши зарур. Очигини айтиш керак, баъзи бир ҳамкасбларимизнинг зиммасидаги вазифаларга масъулиятсизлик билан ёндашиши, баъзан эса, хизматда ва хизматдан ташқари вақтда қонунда белгиланган касбий чекловлар доирасидан четга чиқиб, суднинг обрўсига путур етказишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Шунингдек, судьяга илтимос ва кўнгирилган қилиш, унинг ишига аралашиб сингари уринишлар ҳали-ҳануз учраб туради.

Бундай коррупция иллатларига нисбатан мурасиз бўлиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, коррупция аталмиш нафс балоси ўзининг турли кўринишлари билан тараққийтимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олди олинмас, жамият ҳеч қачон ривожланмайди.

Суд фахрийси сифатида айнан шу муаммо мени доимо қийнаб келади, бу ҳақда ҳамкасбларга, айниқса, ёш судьяларга маврид келди дегунча кўп гапирман.

Чунки судья фазлу камолнинг ўлчови — нафсининг мезоини билан белгиланади. Шу сабабли бугунги кун судьяси ҳалол, покиза, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга шахс бўлмоғи, Президентимиз таъбири билан айтганда, "Халоллик вакцинаси" билан эм-

ланмоғи даркор. Халоллик вакцинаси аталувчи эм дориини биз — судьялар Амир Темур, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Райхон Беруний, Абу Мансур Моъридий, Бурҳониддин Марғиноний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо ва бошқа юзлаб инсоният оламига маълум ва машҳур бўлган азиз-авлиёларимиз, буюк олим-улаомларимизнинг қолдирган бой тарихий меросидан, уларнинг ибратли ҳаёт ҳақиқатидан олмоғимиз даркор.

"Агар хоҳласам, нафсимни элик марта сув лабига олиб бориб, ана ташна ҳолда қайтариб келаман", деган экан Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари. Мана сизга, нафс балосидек ўта юқумли касалликнинг олдини олиш ва уни барвақт даволаш учун ишлатиладиган эм дори.

Буни асло унутмайлик ва Мурожаатномада таъкидланганидек, қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлайлик!

Маълумки, ўтмишда адолатли қозилар, судьялар кўп бўлган ва халқимиз уларнинг исмига "ОДИЛ" сўзини қўшиб айтишган. Мен суд тизими фахрийси сифатида Президентимиз ва бутун халқимиз томонидан Ўзбекистоннинг барча судьялари исмига "ОДИЛ" сўзини фахр қилиб қўшиб айтадиган кунлар келишини жуда-жуда истайман.

Мухтасар айтганда, судьяси мустақил ва одил бўлган давлат юксак касб ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга шахс бўлмоғи, Президентимиз таъбири билан айтганда, "Халоллик вакцинаси" билан эм-

Ҳисобот

Элга айтар сўзимиз бор

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аввалги йил ҳисоботида жами 825 нафар кишининг судлангани қайд этилган бўлса, 2019 йил якунига келиб, бу кўрсаткич 406 нафарни ташкил этди.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан бевосита жойларга чиққан ҳолда ўтказилаётган сайёр суд мажлислари эса, адолат, ҳаққонийлик, қонунийликнинг чинакам мезонига айланди. Жами суд мажлисларининг 42,5 фоизини ана шу тартибда ўтказилди. Бинобарин, сайёр суд мажлислари одамлар қалбидан очкичлик, ошқоралик, шаффофлик намунаси сифатида акссано берар экан, бу ҳолат вилоятдаги маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий судлар жамоаларини ҳам адолат, ҳақиқат, қонун тантанаси йўлида қизгин фаолиятга ундамоқда. Бу борадаги фаолият самараси ўлағар, ўтган йили сайёр суд мажлислари улуши вилоят маъмурий суд тизимида салкам 43 фоиз, фуқаролик судларида 31 фоиз, иқтисодий судларда эса, 38,4 фоизга етди. Айрим масалалар, хусусан, жисмоний шахслар ўртасидаги бахс-мунозара ва низолашув ҳолатларини камайтириш бўйича яхши кўрсаткич ўтган йили фуқаролик ишлари судларида (йил давомида 1958 та ёки 16,7 фоизга камайган) кузатилган

бўлса, иқтисодий судлар ишларини электрон алоқа воситалари кўмағида қўриб чиқиш (йил бўйича 254 та иш шу тартибда қўрилган, бу 81,8 миллион сўм миқдоридида маблағни тежаш имконини берган) бўйича пешқадамлик қилди. Ҳисобот анжуманида аччиқ сабоққа етакловчи ҳолатлар ҳам тилга олинди. Жумладан, жойлардаги фуқаролик ишлари судлари томонидан чиқарилган қарорларнинг Олий суд тизимида бекор қилиниши ҳолатлари бутун республика бўйича ўртача 1,2 фоизни ташкил этгани ҳолда бу кўрсаткич Хоразм вилоятида 1,9 фоизгача етди. Иқтисодий суд тизимида кирувчи туманларо судлар ишларини сайёр тарзда қўриш ҳажминини 40 фоизга етказган бир вазиятда вилоят Иқтисодий суди бу борада атиги 3,9 фоизлик (жами 4 та иш) натижа билан қифояланди. Суд қарорлари ва ажримларини тарафларга кеч тақдим этиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Тадбирда Президентимиз Мурожаатномасида суд ҳокимияти фаолиятини янада тақомиллаштириш борасида ўртага қўйилган масалаларнинг изчил ижроси, ижобий ечимни қонун ва адолат тантанаси қифолати эканлиги алоҳида таъкидланди.

Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

Жиноят ва жазо

Интернетдаги мессенжер орқали товламачилик қилган «ШОВВОЗ»

Бугунги кунда ахборот технологиялари мисли қўрилмаган даражада тараққий этгани, дунёнинг нариги четидан содир бўлган воқеадан ўша фурсатда хабардор бўлаётганимиз ҳар биримизни ҳайратга солади. Бу, ўз навбатида, инсоннинг камолотига хизмат қилади. Аммо ана шундай қудайлик ва имкониятлардан ўзининг тор мақсади йўлида фойдаланадиган кимсалар ҳам учраб туради.

Қашқадарё вилояти, Яқабоб туманида яшовчи (исм-шарифлар ўзгартirilган) эндигина йигирма беш ёшга тўлган Холмурод Усмонов билми юртини тугатгач, яқна тартибдаги тад-

биркорлик фаолияти билан шуғулланишга киришди. Уша пайтда унинг ишбилармонлиги ва гайрат-шижоатига кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Бирок... (Давоми 4-бетда) ▶

Бугун Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

«Сен ҳам соғингасен меҳру вафо билан...»



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Элининг яшаш тарзи, урф-одатлари ҳақида ҳам яхши маълумотга эга эканлигини намойиш қилади: "Андижон вилоятининг саҳронинларидин бир Чакрак элидур, қалин элдур. Беш-олти минг уйлук эл бордур. Фарғона била Қошғар орасидаги тоғларда бўлурлар". Чорвадор халқлиги, қандай ҳайвонларни сақлаши борасида фикрларини ҳам баён қилади: "Отлари кўп ва қўйлари қалиндур".

Бобур талқинида "Ватан" тушунчаси яқинлар дийдори, кадрдонлар билан бир бутунликда намойиш бўлади. У кўп ҳолларда яққа қолиб, ёлғизликда изтироб чеккан бўлса-да, ёлғизликни қоралайди, ҳамшира яқинлар, дўстлар даврасида бўлишни тағриб этади. Жумладан, Хумоюнга шундай маслаҳат беради: "Подшоҳлик била ёлғуз-лук рост келмас. Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишликни ва эл била кам

ихтилотлиқни бартараф қилғил.

Кунда икки нават ичининги ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошинга чорлаб, ҳар маслаҳат бўлса, кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз унга қарор бергайсан".

Бобур шоҳ сифатида аёнларини, саркарда сифатида аскарларини, ота сифатида фарзандларини қадрлайди, уларни соғиниб яшайди. Хумоюнни соғинган дамдаги изтироблари унинг ота сифатида ҳам камил инсон бўлганига далолатдир: "Ва Муҳаммад Хумоюн бир или эдиким, Бадахшонда дийдорлардин айру тушиб эрди, сўнгра бизни соғиниб, Бадахшонни Мирзо Сулаймонким, анинг кўёви эрди, топшуруб, бир кунда Кобулга келур. ...Бир неча кунда дорул-хилофа Ограга етиб, ўшул соатким, биз анинг онаси билан отини тутуб, сўзлашиб ўлтуруб эрдукким, ета-ўқ келди". Бобур ота-она ва фарзанд дийдорлашувини "Кўнгуллар гул янглиғ очилиб, кўзлар чирогдек ёруди" деб тасвирлайди.

Соғинч изтироблари Ватанни кўмса туйғулари билан уйғунлашиб кетади. Самарқандни эгаллай олмагач, Бобур Кобулга юз буради. У ерда салтанат бунёд этади. Мамакатни обод қилади. Хиндистонни эгаллагач ҳам, Кобул салтанатидан хабардор бўлиб, у ердаги яқинлари билан хат-хабарлар ёзишиб туради. Масалан, Бобур Хожа Калонга битган мактубида Ватан соғинчини жуда таъсирчан сатрларда акс эттиради.

Бобурнинг саргардонлик изтироблари, Ватан соғинчи акс этган шеърлари чуқур руҳият ифодаси билан ажралиб туради:

**Толей йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим
Ё, Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.**

Бу машур рубоий Бобурнинг сарғаш-талиқда кечган беором умри, осойишта-

лик билмаган ҳаёти, ўзга юртлардаги шоҳлик қисмати ҳақида сўзловчи тавсиф — дил иқрорига айланган. Бобур зафарли онлариди "Тенгри талонинг инояти бирлан Хиндистондек васеъ мамлакат бизга мусаххар бўлди" дея мамнун туйғуларини изҳор қилади. Ва ўрни келганда ушбу воқеани, "Хиндистонга юзланиш"ни "бу не юз қаролиғ" деб ёзғиради, қалбидаги фахрия ва ичкишдек бир-бирига зид туйғунларни назмда очиқ-хувайдо акс эттиради.

Бобур шеърятини Ватан соғинчига йўғрилган, ёрга бўлган самимий муҳаббат тараннум этилган, инсоний муносабатлардаги азалий муаммолар қаламга олинган таъсирчан мисралардан иборат. Бобурнинг ҳасбу ҳол мазмунидаги шеърятини асосан Ватан соғинчи, юрт мадҳи ҳақидаги бадий жиҳатдан мукамал сатрларни ўз ичига олади. Шоир ўз Ватанини рамзий тарзда севиқли ёрга, санамга, хушқоматли сарвга қийслайди. Бобур Ватандан айрилиқни ўзига қисмат деб билади:

**Ғурбатга солди чарх мени юз
жафо била,
Ёд айламайин ғарибни гоҳи дуо била.**

У ёр тимсолидаги она Ватанига меҳр кўяди, меҳр кўрсатади. Она юртга бўлган соғинчини изҳор айлар экан, Ватанининг ҳам уни соғинганига ишонгиси келади.

**Беҳад вафоу меҳр санга
кўрсатиб эдим,
Сен ҳам соғингасен меҳру вафо била.**

Баъзан Ватанни кишиларни ўзига тортувчи, жалб қилувчи санамга қийслайди ва унга эришишда Худодан мадад сўрайди:

**Чун қилди мени ул бутни чин зору
мубтало,
Ишим менин қолибтурур эмди
худо била.**

Бобур Ватандан айро шодлик бўлмаглигини, Ватандан айрилиқ аламнинг тенгсиз азоб эканлигини таъкидлайди:

**Кўрмон фараҳни бир дам агар
андин айрумен,
Билмон аламини бормен анинг
бирла то била.**

Яна тонги сабодан Ватанга бўлган соғинчини, унга бўлган муҳаббатини етказишини ва тупроғини ўпиб изҳор этишини сўрайди:

**Ул сарвга қарам қилибон еткур,
эй сабо,
Бобур ниёзини ер ўпуб адо била.**

Шунингдек, Бобур "Ўн бир ёшимдин бери икки рамазон ийдини паё-пай бир ерда қилгон эмас эдим" жумласида умрининг сарғашталигини, саргардонлик моҳиятини тўлиқ ифода қилган.

Бобур ижодида Ватан тимсоли, юрт соғинчи чизгилари у туғилиб ўсган замин тупроғи, суви, табияти, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, унинг яқинлари, ёру дўстлари меҳри, дийдори, она тупроқда яқинлар билан бирга кечган саодатли онлар, шу дамлар ҳақидаги хотиралар билан муҳаббатланган ҳолда намойиш бўлади. Шоир ижоди ҳар жиҳатдан Ватанга меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантиришда ҳам тарбиявий аҳамиятга эга. Бобурнинг мардлиги, жасурлиги, шижоати, моҳир саркардалиги, Ватанига муҳаббати, аввало, ўғлонларимиз учун ибрат намунаси бўлмоғи керак. Бобур ижоди Ватан нелигини, уни йўқотиш, ундан айро тушиб бахтсизлик ва фожа эканлигини кўрсатади. Бобурнинг айрилиқ ва соғинч ҳақидаги шеърлари ёшларни Ватанни қадрлашга, уни асраб-авайлашга даъват этади.

Бобур Ватанини соғиниб, она юртининг ҳам уни унутмаганлиги, кўмсашига умид боғлаб, "Сен ҳам соғингасен меҳру вафо била" деган эди. Аслида бу хитоб бугунги авлодни Ватанини севиб, ардоқлашга, уни соғиниб яшашга чақирувчи ўтли даъватдир.

**Зулхумор ХОЛМАНОВА,
филология фанлари доктори**

Маълумки, ҳар бир жамият ошларнинг тинч-тоғув, аҳил-аноқ яшашидан манфаатдор бўлади. Чунки оила тинч, фаровон бўлса, жамият ҳам ривож топади. Айни шундай муҳим ҳолатлар эътиборга олиниб, амалдаги қонунларга тегишли меъёрлар белгиланган.

Фуқаролик қонунчилиги

Келишув битими

ака-сингил ўртасидаги низога барҳам берди

Жумладан, амалдаги Фуқаролик-процессуал кодексининг 166-моддасига кўра, суд тарафларни яраштириш чораларини кўради. Уларга фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча босқичларида низони ҳал этишга кўмаклашади.

Тарафлар ўз талабларини тўлиқ ҳажмда ёки қисман ҳал этиш учун келишув битими тузиши мумкин. Келишув битими даъво тартибиде юритиладиган ҳар қандай иш бўйича фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатино ижро этиш жараёнида тузиш мумкин.

Ушбу қонун талабининг амалга самарали жорий этилиши фуқаролар ўртасидаги турли хил низоларни тинч йўл билан ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Масалан, даъвогар Г.Бойматова (исм-шарифлар ўзгартирилди) жавобгар Т.Бойматовга нисбатан меросхўр деб топиш ва мерос улушин ажратиш ҳамда меросни натура шаклида олиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган. Унинг судда кўрсатма беришича, онаси Ш.Бойматовдан қолган Самарқанд шаҳар, Жарарик кўчасидаги Н. мерос уй-жойга нисбатан мерос очиш мақсадида, нотариал идорага мурожаат қилган. Нотариал идорада унга ака ва опа-сингиллари мерос очишдан воз кечганлиги сабабли судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилган. Даъвогар мерос уй-жойда ўзининг ҳиссаси борлигини билдириб, меросхўр деб топишни, меросдан улушин ажратиш ва уни натура шаклида олиб беришни сўраган.

Шундан сўнг даъвогар Г.Бойматова судга яна ариза тақдим этган. Ушбу ариза-сиде у жавобгар Т.Бойматов билан ўзаро келишгани муносабати билан ўрталарида тузилган келишув битимини тасдиқлаб, фуқаролик ишини иш юритувдан тугатишни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар Т.Бойматов, ҳақиқатан ҳам, Самарқанд шаҳар, Жарарик кўчасидаги Н. мерос уй-жой онаси Ш.Бойматовдан мерос қолгани, опа-сингиллари ўз ҳиссаларидан унинг фойдасига воз кечгани, ҳозирда у уй-жойда янги қурилиш ишларини амалга оширгани, даъвогар билан низони ўзаро келишиб, бартараф этишгани, ўрталарида тузилган ана шу келишув битимини тасдиқлаб, ишни иш юритувдан тугатишни сўради.

Биринчи босқич судининг ажрим билан даъвогар ва жавобгар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқланди. Келишув битимига кўра, жавобгар Т.Бойматов даъвогар Г.Бойматовга Самарқанд шаҳар, Жарарик кўчаси Н. уй-жойида улуш эвазига уч ой муддат ичида 5 минг АҚШ доллари бериш мажбуриятини олди. Даъвогар Г.Бойматова эса, ана шу 5 минг АҚШ долларини олгач, ўз улушидан жавобгар Т.Бойматов фойдасига воз кечадиган бўлди.

Гувоҳи бўлганингиздек, келишув битими суд тартибиде тасдиқлангани сабабли, даъвогар Г.Бойматовнинг жавобгар Т.Бойматовга нисбатан меросхўр деб топиш ва мерос улушин ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик иши иш юритишдан тугатилди.

Шу ўринда масаланинг яна бир муҳим жиҳатига тўхталиш керак. Гап шундаки, ака-сингил — жиғар, бир ота-онанинг фарзандлари. Ахир, эт билан тирноқни ажратиш мумкинми? Йўқ, албатта. Қонунларимиз эса, яқин қариндошлар ўртасида юзага келган низони келишув битими асосида изга солди. Агар миллий қонунчилигимизга ҳалқимиз табиғатиға хос бу каби эзгу амаллар киритилмаганидами, ака-сингил мерос талашиб, юз кўрмас бўлиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди.

**Байрамали НОРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди раиси вазифасини бажарувчи**

Жиноят ва жазо

Интернетдаги мессенжер орқали товламачилик қилган «Шоввоз»

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Аммо у ўзига тегишли савдо дўконида сотувчи бўлиб ишлайдиган Лобар Парпиеванинг телефон рақами орқали унинг интернетдаги "Telegram" мессенжеридеги профилига кириб, жияни Муҳсин Олимов билан ўзаро мулоқот қилиб юрганни ўқиб қолади ва кўнглида ғаразли ният пайдо бўлади.



суд мажлисида кўриб чиқилди ва Х.Усмонов Жиноят кодексининг 165-моддаси 1-қисми (товламачилик) билан айбдор деб топилди. Унинг айбига иқролиги ва чин кўнгиладан пушаймонлиги, ёшлиги, ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланиши, жиноят содир қилганидан кейинги хулқ-атвори, жабрланувчидан кечирим сўрагани, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, биринчи марта унча оғир бўлмаган жиноят содир этгани ҳамда яшаш жойидан ижобий тавсифлангани каби жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиҳдий қамайтирувчи ҳолатлар эътиборга олинди, инсонпарварлик ва одиллик принциплариға риоя қилинган ҳолда жазо тайинланди.

Аниқроқ айтганда, у "Telegram" мессенжери орқали янги профил очиб, Лобар Парпиева учун сир сақланган лозим бўлган маълумотларни тарқатиб юборишини айтиб, уни кўрқитиб, товламачилик йўли билан 500 АҚШ доллари талаб қилади.

Албатта, Л.Парпиева буни эшитиб, кўрқиб кетади ва Х.Усмоновнинг талабиға рози бўлади. Охир-оқибат эса, товламачи Х.Усмонов ушбу ёзувларни ошқор қилмаслик эвазига 3.500.000 сўм олишға розилик билдиради. Л.Парпиева айна шу вазиятда қонуний йўл тутди, яъни у Х.Усмоновнинг хатти-ҳаракати юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораға хабар беради.

Х.Усмонов эса, билим юртида ўзи билан бирга ўқиган Нозим Валиевни алдаб, уни Л.Парпиевадан келишилган пулни олиб келиш учун юборади. Товламачининг ўзи эса, "Telegram" мессенжери орқали Лобар Парпиеваға пулни қаерга олиб боришини айтиб туради.

Аммо Х.Усмоновнинг худди фарб кинофильмларида тасвирлангани каби усталик билан Лобар Парпиевадан пул ундириш жиноий нияти амалга ошмай қолди.

Ўтказилган тезкор тадбир давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан товламачи ушланди.

Ушбу жиноят иши очик

суд мажлисида кўриб чиқилди ва Х.Усмонов Жиноят кодексининг 165-моддаси 1-қисми (товламачилик) билан айбдор деб топилди. Унинг айбига иқролиги ва чин кўнгиладан пушаймонлиги, ёшлиги, ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланиши, жиноят содир қилганидан кейинги хулқ-атвори, жабрланувчидан кечирим сўрагани, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, биринчи марта унча оғир бўлмаган жиноят содир этгани ҳамда яшаш жойидан ижобий тавсифлангани каби жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиҳдий қамайтирувчи ҳолатлар эътиборга олинди, инсонпарварлик ва одиллик принциплариға риоя қилинган ҳолда жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида айтганда, бу воқеада кишини ўйлантирадиган, ҳатто таажубга соладиган бир жиҳат бор. Мақоламиз «қахрамон»и худди фарб киноларидаги каби персонажни ҳосил қилади. Демак, у шу йўл билан жиноий кирдикорини беиз йўқотмоқчи бўлган. Йўқса, бундай қалтис «уйин»ға бош қўшмаган бўларди. Ахир, кино бошқа, ҳаёт бошқа. Ҳаётда ҳеч бир қилмиш беиз кетмаслигини, хусусан, ҳар қандай жиноят муқаррар жазоға етаклашини ёшларимиз яхши англаб етиши лозим.

**Шаҳзод БАХТИЁРОВ,
жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг судьяси**

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Қайнонаси ва қариндошлари буларнинг барчаси учун Умидадан ўғирликда айблашади. Бинобарин, суд унга нисбатан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлаб, Жиноят кодексининг 72-моддасига биноан, ҳукм шартли ҳисобланади. У.Абдуллаева суд залида қамқондан озод этилган. Аммо... Аммо Умида содир этилган ўғирлик ёки тилла тақинчоқларнинг йўқолишиға умуман дахли йўқ экани, тергов органи ва суд томонидан асосиз айбланганини маълум қилди ҳамда оқлов ҳукми чиқаришни сўраб, кассация шижоати билан мурожаат қилди.

Оқлов

Ўғирликда айбланган келин

кассация суди мажлисида оқланди

Жиноят ишини кассация инстанциясида кўриш жараёнида тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан Жиноят-процессуал кодексининг ҳамда Олий суд Пленумининг тегишли қарори талаблари бузилгани аниқланди. Яъни суд жиноят содир этилишида ким айбдорлиги ва у билан боғлиқ барча ҳолатларни текширмасдан, иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқмасдан аёлни асосиз равишда айблаган. Хусусан, жиноят ишида Умиданинг онаси Ойшахон Мўминованинг тушунтириш хати мавжуд. Бояқши она ўз тушунтиришида тилла тақинчоқларни қизи ўғирлагани ва уларни шаҳар марказидаги тилло бозорида сотиб, эҳтиёжи учун ишлатиб юборганини маълум қилиб, ўғирланган тақинчоқларнинг баҳосини тўлашға ваъда берган. Бироқ О.Мўминова суд мажлисида эркак қудаси "Агар милицияға хабар берсак, қизингизни қамаб уришади" деган гапидан кўрқиб тушунтириш хати ёзиб берганини билдирган. Тергов жараёнидаги тушунтириш хатида Умида Абдуллаеванинг ўзи ҳам буни тан олган. Лекин ҳужжатларда ундан тушунтириш хати олган ходимнинг

балки онасиға тегишли оқ кўзли узукни сотгани, ўша пайтда унинг ёнида турганини маълум қилган.

Бундан ташқари тергов жараёнида Умидадан 600 АҚШ доллари ва 1.500.000 сўм далилий ашё сифатида олингани, булар сотилган тилло тақинчоқларнинг пули эканлиги баённомада акс эттирилган. Айбланувчи эса, онаси Россияда ишлаётган пайтда ўзига 800 АҚШ доллари юборганини билдирган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Фарғона вилоят бош бошқармаси 2017 йил 31 мартга қадар У.Абдуллаева номиға Россия Федерациясидан 800 АҚШ доллари юборилгани ҳақида 10-31/620-сонли маълумотнома берган. Умида эса, пуллар 2017 йил апрель ойида юборилганини, уни "Трастбанк" ХАБ Фарғона филиали орқали олганини маълум қилган. Шу боис, кассация судлов ҳайъати банк филиалиға сўровнома юборган. "Трастбанк" ХАБ Фарғона филиалининг 2019 йил 12 сентябрдаги 01-05/348-сонли маълумотмасида Умида Абдуллаева номиға 2017 йил 21 апрелда Россия Федерациясидан 800 АҚШ доллари келиб тушгани билдирилган.

Олий Суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги "Далиллар мақбулли-

гига оид жиноят-процессуал қонунини нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 9-бандида жабрланувчи, гувоҳнинг фараз, таҳмин, миш-мишларға асосланган кўрсатмалар, шунингдек, жабрланувчи, гувоҳ ўзини хабардорлиги манбасини айтиб бера олмаган ёки айтишни хоҳламаган ҳолларда бу далил мақбул эмас деб топилиши ҳақида тушунтириш берилган. Бундай ҳолатда эса, шахсни ўғирлик жинояти билан айбала бўлмайди. Ана шу асосларға таянган суд жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2019 йил 10 июндаги ҳукмини бекор қилиб, Умида Абдуллаевани

айбсиз деб топди ва оқлов ҳукми чиқарди. Натияжада туҳматға учраб, ўғирликда айбланган келиннинг юзи ёруғ бўлди.

Мазкур мақолани тайёрлаш жараёнида Умида Абдуллаева билан суҳбатлашдик. — Менға қилинган ноҳақлик туфайли жуда кўп азоб чекдим. Онамининг эса, қон босими ошадиган бўлиб қолди. Бироқ қайнона-қайнона келинлик сепларимни ҳам тўлиқ қайтариб бермади. Шуларни инобатға олиб, 2020 йил 11 февраль кунини моддий ва маънавий зарарини ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судиға даъво ариза киритдим, — дейди у.

Албатта, суд унинг даъво аризасини қонуний тартибда кўриб чиқди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу борадаги эзгу ишлар кўлами 2020 йилда янада кенгайди. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш судлар фаолиятининг бош мезонидир.

**Раҳматжон АРАПОВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг судьяси
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч — адолатда" муҳбири**

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ	Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Икрам МУСЛИМОВ	Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ	Олим ҲАЙИТОВ
Бахтиёр ИСАКОВ	Азиз МИРЗАЕВ
Светлана АРТИКОВА	Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилумиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: G-223. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. Адади: 10569

1 2 3 4 5
Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.